**«Ўзбек ипаги» уюшмаси таркибига кирувчи «MARG'ILON OSIYO TEKS» очиқ акциядорлик жамияти пахта толасини қайта ишлаб, ундан ип ва газламалар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Дастлаб 38 фоиз қувват билан иш бошлаган корхонада бир ойда 22 тонна ип ва 25 минг метр газлама ишлаб чиқарилди. Бозор иқтисоди талабларини тўғри англаган корхона маъмурияти саъй-ҳаракатлари натижасида 2004 йил якунига кўра халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш 186,5 фоизни ташкил этди.**

# СОҒЛОМ МУҲИТ
## юқори унумдорлик омили

– Корхонамиз эндигина иш бошлади, – дейди жамиятнинг ташқи бошқарувчиси Баҳромжон Мирзаев. – Жорий йилда ишлаб чиқариш қувватидан тўғри ва самарали фойдаланиб, ишчиларни мунтазам иш билан таъминлашга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Шу мақсадда «Қува тўқимачилик» ОАЖ билан шу йилнинг 27 январида қайта ишлаш шартномасига асосан 150 тонна пахта толаси олинди. Бугунги кунда Намангандаги «Машъал текс» ОАЖ билан ҳам пахта толаси олиш юзасидан музокара олиб борилмоқда.

Жамоа шартномаси бандларига амал қилган ҳолда, 700 дан зиёд ишчи-хизматчиларга барча қулайликлар яратилган. Уларни ижтимоий ҳимоя қилиш касаба уюшма қўмитаси ва корхона маъмуриятининг диққат марказида. Ходимларга бепул иссиқ овқат ва транспорт хизмати ташкил этилган. Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлигига эътибор берилмоқда. Ходимлар махсус кийим-бош ҳамда шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланган. Ҳар бир иш жойида хавфсизлик йўриқномалари, огоҳлантирувчи ёзувлар илиб қўйилган.

Ишчилар соғлигини назорат қилиш мақсадида «Ипакчи» тиббиёт шифохонаси, «Поли био мед» илмий текшириш ташкилоти билан шартнома имзоланган. Бундан ташқари, корхонада туну

### Имконият ва натижа

кун ишлаётган тиббиёт-муолажа хонаси ҳам ишчи-хизматчиларнинг соғлигини муҳофаза қилиш йўлида фаолият юритаяпти. Икки нафар малакали шифокор доимо хизматда.

Жамоада барча тадбирлар ишчиларнинг манфаатларига қаратилган. Ёз ойларида меҳнаткашларни ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш ишларига алоҳида эътибор берилмоқда. Кам таъминланган инсонларга касаба уюшма қўмитаси ва корхона маъмурияти ҳамиша мададкор.

Сиҳат-саломатлик йили муносабати билан вилоят «Кўзи ожизлар ва карлар жамияти»га 200 минг сўмлик мурувват ёрдами кўрсатилди.

Хуллас, корхонада таркиб топган соғлом муҳит иш унумининг ўсишига ёрдам бермоқда. Жамиятда ташкил этилган «Устоз ва шогирд» анъанаси ҳам ўз натижасини кўрсатмоқда. Тажрибали ишчилардан З.Аҳророва, М.Сўфиева, Ю.Мамажонов, С.Исоқов ва Р.Қодироваларёшларга устозлик қилмоқдалар. Бу эса албатта корхонанинг келажаги учун мустаҳкам пойдевор бўлади.

**Р.МАҲКАМОВА, С.АГЛАЕВА,**
**«Ишонч» мухбирлари**

Гулистон туманида фаолият юритаётган «Боёвут чевари» хусусий кичик корхонаси қисқа вақт ичида мижозлар ишончини қозонди. Корхона биноси таъмирдан чиқарилиб, иш ўринлари кўпайиб бормоқда. Аҳоли айниқса, аёллар ва эркаклар сартарошхонаси, видеосалон, тикувчилик, зардўзлик цехлари, фотосалон фаолиятидан мамнун бўлмоқда. Ҳақиқий тадбиркор, ташкилотчи Замира Эсиргапованинг жонбозлиги туфайли тайёрланаётган маҳсулотлар сифати тобора яхшиланиб бормоқда.



**Суратда: корхона фаолиятидан лавҳалар.**

**Муҳаммад КАРИМ олган суратлар**

**...Ҳидоятулла ака бугун ҳам тонгни ғафлатда қолдирди. Теварак-атроф ёриша бошлаганида у аллақачон туманнинг энг чеккасидаги хўжалик далаларини бориб кўрган, бу ердаги юмушлар нега суст бораётганлиги замирига етганди. Ўйлаб қараса, мавсум давомида шу хўжаликдан бирорта ишчининг саломатлигини муҳофаза қилишга қайғурилмабди. Лоақал моддий рағбатлантирилмабди ҳам.**

# ЎЗГАЛАР ТАШВИШИДА

Даладан қайтишда туман машина-трактор паркига кирди. Меҳнат аҳли аллақачон юмушларни бошлаб юборишган, бир-икки тракторни демаса, техниканинг барчаси мавсумга тайёрлаб қўйилган. Умуман, шу куни ҳам агросаноат мажмуи ходимлари туман касаба уюшмаси етакчиси Ҳидоятулло Аҳмедовнинг ташвишлари ўз бўлмади. Болалар оромгоҳи масаласида икки марта Андижонга боришга тўғри келди. Қайтишларида яна бир муҳим ишни битказишди. "Андижонпилла" вилоят уюшмасига кириб, хомашё етиштирувчилар билан боғлиқ айрим муаммоларга барҳам берилди.

Аслида туман халқи учун қишлоқ хўжалик ишлари чўт эмас. Қолаверса бу ерда шундай деҳқонлар борки, чўпни қадаса дарахт қилиб кўкартиради. Бироқ янгилик, барибир янгиликда...

Ана шундай кунларнинг бирида 36 та бошланғич касаба уюшма қўмитасини бирлаштирган ташкилот етакчилари иштирокида йиғилиш бўлиб, унда аниқ вазифалар белгилаб олинди. Меҳнат аҳлига шароитлар яратиш ва уларни моддий рағбатлантириб бориш ҳамда мусобақаларни ташкиллаштиришда сусткашликка йўл қўяётган ташкилотлар жиддий танқид остига олинди. Ҳафтанинг ҳар жума куни таҳлиллар ўтказиб бориш, хўжаликлар далаларига чиқиб аҳволни ўрганишга келишилди.

Даставвал туман кенгаши ҳамда ҳокимлик, қишлоқ ва сув хўжалиги ва деҳқон фермерлар уюшмаси бўлимлари ўртасида меҳнат аҳлини ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш юзасидан узоққа мўлжалланган битим имзоланиб кучга киритилди. Шулар қаторида таркибдаги хўжалик, корхона ва ташкилотларда жамоа шартномаларини тузиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилди.

Жамоа шартномаси бандлари бўйича ходимларга яратилаётган шарт-шароитлар назоратга олинди. 30 дан ортиқ дала шийпонлари қайта таъмирланиб, ҳақиқий дам олиш масканига айлантирилди ва уларнинг ҳар бирида кўчма дўкон, тиббиёт пунктлари ҳамда матбуот бурчаги ташкил этилди. Мавсумда 210 нафар илғорлар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди, 15 нафар механизаторлар эса ўзаро мусобақаларда ғолиб деб топилиб, санаторийларга касаба уюшмаси ҳисобидан бепул йўлланмалар олишди. Меҳнат аҳлини ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилишга сарфланган маблағ ўртача 68600 сўмданга тўғри келди.

Моддий манфаатдорликнинг ортиши ва ислоҳотлар қўяётган талабларни оғишмай татбиқ этиш самараси ўз натижасини берди. Плёнка остида чигит ундиришга киришган йили ғалладан 70-80 центнер, пахтадан эса 55-60 центнердан ҳосил кўтарилди. Албатта, бунда энг аввало асакалик деҳқонларнинг соҳада тўплаган тажрибалари қўл келган бўлса, муҳим ишларни ташкиллаштириш, одамлар шуурида ишлаб чиқаришга кўникмаларни шакллантириш ва жамоа шартно-

**Лавҳа**

малари ижросини таъминлашда касаба уюшмасининг ҳам ўз ўрни бор.

Туманда ижтимоий масалалар билан боғлиқ неки иш бўлмасин, касаба уюшмасининг назаридан четда қолмайди. Барчаси йил бошидан режалаштирилиб, босқичма-босқич бажариб борилади. Меҳнат аҳли қаторида тасарруфдаги боғча, мактаб болалар оромгоҳларидаги аҳвол доимо таҳлил этилиб, муаммоларга ўз вақтида барҳам берилиб келинаётир.

Жамоа шартномаси бандларида ходимларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш масаласи барча соҳаларда кенг қамраб олинмоқда. Ана шу мақсадда хўжалик, корхона ва ташкилотлар томонидан ўтган мавсумда 1,5 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Янги ишчи ўринлари яратилиб, 1600 нафар киши ишга жойлаштирилди. Тармоқдаги "Асака ёғ" ҳиссадорлик жамиятида энг кам иш ҳақи 39 минг сўмни, "Асакадонмаҳсулотлари" акциядорлик жамиятида 49,35 минг сўмни, "ФАМ" Ўзбек-Италия қўшма корхонасида эса 52.90 минг сўмни ташкил этмоқда.

Тармоқ қўмитаси ўтган йиллар давомида Меҳнат кодекси ҳамда "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонунлар бажарилишини таъминлашга ҳам эътиборни кучайтириб келаётир. Қиш ойларида хўжалик, корхона ва ташкилотларнинг кадрлар бўлими бошлиқлари ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассисларнинг ўқув-семинарлари бўлиб ўтади. Шундай бўлсада, соҳада ҳали муаммолар мавжудлиги ёки мутахассислар ўз ишига совуққонлик билан ёндошаётгани яққол кўзга ташланмоқда. Масалан, Меҳнат кодекси талабларининг бажарилиши назорат қилинганда, ўн бир ҳолатда амалдаги қонунлар қўпол равишда бузилгани қайд этилди. Бу масалалар бўйича туман прокуратурасининг тақдимномаси корхона раҳбарларига юборилиб, ижроси таъминланди.

Меҳнат муҳофазаси учун 105 миллион сўм сарфланди. Ҳар ишчига 5300 сўмдан харажат қилинди. Бошланғич касаба уюшма ташкилотларида 274 нафар меҳнатни муҳофаза этиш бўйича вакил фаолият кўрсатаётир.

Туманда ишлаб чиқаришнинг ривожланишига ишбилармон ва ташаббускорлар тажрибасига алоҳида эътибор қаратилаётган бўлса, меҳнатни ташкиллаштиришда касаба уюшмаларига таянилаётир. Бу ишонч етакчилар масъулиятини янада оширмоқда. Ҳозирги кунда 331 та касаба уюшма гуруҳи, 16 нафар ишлаб чиқаришдан озод этилган касабақўм, тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришмоқда.

Инсон меҳнати қадрланган жойда ишлаб чиқаришда унум, меҳнат аҳлида изланиш ва янгиликлар сари интилиш бўлади. Туман касаба уюшма аъзоларининг саъй-ҳаракати туфайли ана шу йўналишдаги барча юмушлар рўёбга чиқмоқда. Анъанага кўра, бу йил ҳам меҳнат жамоаларининг вакиллари муносиб тақдирланишди. "Йилнинг энг илғорлари" танлови натижалари бўйича 46 нафар ишчи ва механизаторлар алоҳида совринга, ҳар ўн кунлик мусобақа бўйича эса 90 нафар ишчи рангли телевизор, гилам ва бошқа қимматбаҳо совғалар соҳиби бўлди.

Сиҳат-саломатлик йилида касаба уюшма фаолларини тақдирлаб бориш, тумандаги кам даромадли, боқувчисини йўқотган, уруш фахрийлари ва қатнашчилари, ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилишга эътибор янада кучайтирилмоқда. Ўтган уч ойда ана шу мақсадлар учун 21 миллион 500 минг сўм маблағ сарфланди.

Тармоқ корхоналари ҳам ижтимоий муҳофазани кенг шакллантириш имкониятини излашмоқда. Мисол учун. Бобур номли, "Шарқ ҳақиқати", "Ўзбекистон мустақиллиги", «Янги ҳаёт», «Ғалаба», «Навбаҳор» каби қатор ширкат хўжаликларида ушбу мақсадга 65 минг сўмдан 90 минг сўмгача маблағ сарфланган.

Аслида туман тармоқ касаба уюшма кенгаши ташаббуси билан эришилаётган бу каби ютуқлар заминида ишчанлик ва изланишлар мужассам. Унга бош-қош бўлаётган етакчи Ҳидоятулла Аҳмедов саъй-ҳаракатлари самараси зое кетмаяпти.

**А.ҲАҚБЕРДИЕВ,**
**"Ишонч" мухбири**

## ТАДБИРКОРЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантиришга кенг йўл берилганлиги ўзининг қувончли натижаларини бермоқда. Омилкор, асл миришкорлар хайрли ишларга қўл уриб, истеъмол бозорини тўлдиришга муносиб ҳисса қўшиб келишмоқда. Боғдорчилик, сабзавот маҳсулотлари ёки халқ истеъмоли моллари дейсизми, ҳаммаҳаммаси улар томонидан йил сайин кўплаб халқимизга тортиқ этилмоқда.

Яқинда Бўка туманида тадбиркорларга яна бир қулайлик яратилди. Авваллари улар муҳр ва штамп тайёрлаш учун йўл босиб Тошкент шаҳрига қатнашга мажбур бўлардилар. Туман марказидаги босмахона қошида очилган замонавий цехда муҳр ва штамп тез ва соз қилиб тайёрлаб берилмоқда.

**И.ТЕМИРТОЕВ**



## МЕТАЛЛУРГЛАР МАДАНИЯТ САРОЙИДА

Яқинда Бекобод шаҳридаги металлурглар маданият саройи байрам тусини олди. Бу ерда она Ватанни, дўстликни тараннум этувчи куй ва қўшиқлар янгради. Металлурглар ўзларининг севимли ёзувчи-ю шоирлари Пиримқул Қодиров, Халима Худойбердиева, Маҳмуд Тоировлар билан учрашувдан беғоят мамнун бўлдилар.

Унутилмас учрашув кўпмиллатли кишилар ўртасидаги дўстлик, ўзаро ҳамжиҳатликнинг рамзига айланди. У барчага кўтаринки кайфият, янги куч-қувват бағишлади.

**Т.ҲАЙДАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## ФЕРМЕР ДАРОМАДИ 12 МИЛЛИОН

**Чироқчилик иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Хуррам бобо Юртбошимизнинг тадбиркорлар ишини ривожлантириш тўғрисидаги Фармонини ўқигандан кейин фарзандларини тўплаб, оилавий чорвачилик фермаси ташкил этсак, сизлар менга қанот бўлсаларингиз, деб қолди. Ушбу таклифни фарзандлари бир овоздан маъқуллади.**

Отахон ўз режаларини Чироқчи тумани раҳбарларига етказганда улар бажонидил рози бўлишди. Хуррам бобо ўз маблағи ҳисобидан дастлаб 10 бош сигир, 17 бош бузоқ сотиб олиб, «Чашма» оилавий хўжалигини ташкил этди. Молларнинг туёқ сонига қараб фарзандлари билан молхона қурди, ем-хашак тўплади.

Оилавий жамоа 1993-1994 йилларда сигирлар туёқ сонини кўпайтириб, йилига 40-45 тонна сут, 5 тоннадан гўшт етказиб берди. Чорвачилик фермасига, тажрибали зоотехник К.Эркаев ишга келгандан кейин молларнинг зоти ва маҳсулот сифати яхшиланди. Фермер хўжалигининг маҳсулотлари Шаҳрисабз ва Яккабоғ туманларидаги корхоналарга топширила бошланди. Ўтган йили жамоага 25 гектар ер берилгач, 400 тонна сенаж, 1000 тонна сомон тайёрланди. 400 бош сигирдан 50 тонна сут соғиб олинди. 5 тонна гўшт етиштирилди. Ферма даромади 12 миллион сўмга етиб, 8 миллион сўм сой фойда олинди.

Ҳиммати баланд отахон кўпгина етим-есирларнинг бошини силаш, болалар уйи ҳамда мактабларга ҳомийлик қилиш каби савобли ишларга қўл урмоқда. 85 баҳорни қаршилаган Хуррам бобо Шукуров «Шуҳрат» медали, «Мустақилликнинг 10 йиллиги» нишони ва республика, вилоят фермерлар уюшмасининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган.

**Х.ТЎРАЕВ**

### Меҳнат ардоқлаган кишилар

**Сардоба тумани бўйича 710 фермернинг 198 нафари олинган бўнак пулларини қопламагани учун хўжалик суди қарори билан ер ижара шартномаси бекор қилинди ва қайта тендерга қўйилди. Шулар ҳисобига ўтган йили пахта етиштириш бўйича давлат режаси бажарилмади.**

# ФАХРИЙЛАР БОҒИ ЖОНКУЯРИ

Пахтаобод фермер хўжаликлари уюшмаси ҳудудида 126 фермер деҳқончилик билан шуғулланиб шартнома режасини атиги 76,3 фоизга уддалашди. Аммо фермерлар орасида ўз ишини биладиган, сидқидилдан ишлайдиганлар ҳам талайгина. Уларнинг 445 нафари ўтган йили шартномавий режани ортиғи билан уддалади. Фермерлик ҳаракатига биринчилардан бўлиб қўшилган, ҳар йили юқори натижаларга эришаётган бу фермерлар зарур техникаларга ҳам эга бўлиб улгуришди. Туманда олиб борилаётган қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларда айнан шундай фермер хўжаликлари тажрибаларидан фойдаланилмоқда.

Дарҳақиқат, ўтган йилнинг ўзида Асад Бердиқулов бошлиқ Абдулла Қодирий номли фермер хўжалигида 218 гектар майдондан давлатга 535 тонна ғалла сотилиб, юқори натижага эришилди. Олинган соф даромад 7 миллион сўмдан ошди. 338 гектар пахта майдонидан эса 24,5 центнердан ҳосил кўтарилиб, даромад 50 миллион сўмни ташкил қилди. Даромадлар ҳисобидан олинган 3 та ҳайдов, 5 та чопиқ трактори, 2 та автомашина, 1 юк транспорти, 5 та культиватор ва 3 та сеялка хўжалик юмушларидан ортиб, бошқаларга ҳам хизмат кўрсатмоқда.

Хўжаликда моддий манфаатдорлик ошиб ишчиларнинг ўртача иш ҳақи 60 минг сўмга етди. Режадан ошиқ етиштирилган ғалладан ишчиларга 2,5 тоннадан буғдой, ёғ тарқатилди. Қишлоқдаги кам таъминланган 14 оилага 7 тонна буғдой, 21-, 6- мактабларга 600 минг сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Ишчилардан 2 нафарига сиҳатгоҳларда дам олиб келиш учун йўлланмалар ажратилди. Хўжалик марказида 1,7 гектарлик «Фахрийлар боғи» барпо қилинмоқда.

«Толли» фермер хўжалигининг 101 гектар ердан олган даромади ҳам чакки бўлмади. Фойда ҳисобидан ўтган йили трактор сотиб олинди. Ҳар бир ишчининг ўртача иш ҳақи 64-65 минг сўмни ташкил этди. Омилкорлик ўз самарасини бераяпти. А.Абдубанноев кўксини «Эл-юрт ҳурмати» ордени, Асад Бердиқуловнинг кўксини эса «Меҳнат шуҳрати» медали безади.

Бу хўжаликларда муваффақиятнинг асосий омилларидан бири ўзаро мусобақа шартлари асосида рақобатнинг юзага келишидир. Туман тармоқ касаба уюшма қўмитаси ташаббуси билан ўрим ва терим мавсумларида ташкил этилган мусобақа шартларига асосан биринчи ўринга 50 минг сўм, иккинчига 30 минг сўм, учинчи ўринга эса 20 минг сўмлик мукофотлар таъсис этилди. 50 минг сўмлик мукофот «Толли» фермер хўжалигига насиб этди. Бундан ташқари комбайнда ғалла ўриш, машинада ва қўл теримида юксак натижага эришган илғорлар ҳам муносиб тақдирланиб борилди. Шудгорлашда ҳам бу мусобақа давом эттирилиб, ишчиларнинг моддий манфаатдорлиги оширилди.

Айни кунларда ғалла парвариши агротехника талаблари асосида олиб борилаяпти. Майдонларга 100 килограммдан фосфорли, 200 килограммдан азотли ўғит солинди. Маҳаллий ўғит пешма-пеш чиқарилмоқда. Бу йил суғориш тизимини таъмирлаш, зовурларни тозалаш, дренаж тизимлари таъмири ҳам яхши йўлга қўйилди.

Фермер хўжаликларини минерал ўғитлар, нефт маҳсулотлари билан таъминлаш, техника хизматидан фойдаланишни яхшилаш бўйича мукаммал шартномалар тузилди. Банк билан хўжалик орасидаги муносабатлар ҳам такомиллашиб бораётир.

**М. ИСМОИЛОВ,**
**Сардоба тумани Пахтаобод ҳудудий касаба уюшма қўмитаси раиси**

### Масала кўндаланг қўйилади

**Норин туманининг Норинкапа қишлоғи аҳоли зич яшайдиган масканлар сирасига киради. Ушбу гўшада ўзининг омилкорлиги, миришкорлиги ва ташаббускорлиги билан эл оғзига тушган кўплаб фидойи инсонлар меҳнат қилишади. Ёшлари ҳам ғайратли, илмга, ҳунарга чанқоқ. Шу билан бирга истеъдод соҳиблари ҳам талайгина. Масалан, "Гулдаста" ансамблининг довруғи республикамиздан ташқарига ҳам ёйилганлигини яхши биламиз. Санъат шайдоларининг чиқишлари ойнаи жаҳон орқали кўп бора намойиш этилган.**

# ЁШЛАР БЎШ ВАҚТЛАРИНИ
## қаерда ўтказишсин?

Норинкапаликлар билан фикрлашсангиз бир муаммо кўндаланг бўлаётганлигини дарҳол ҳис этасиз. Гап шундаки, қишлоқ ўғил-қизлари бўш вақтни қаерда ўтказсак экан, деган хаёлга боришади. Мустақиллик йилларида барча ерда бўлгани каби Норинда ҳам кенг кўламли ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ҳамда бошқа бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Бироқ Норинкапада ёшларнинг севимли масканига айланиши керак бўлган кутубхона, клубларнинг йўқлиги қатор муаммоларнинг юзага келишига сабаб бўлмоқда. Мутасаддилар тайёр маданият масканларидан ҳам унумли фойдалана олишмаяпти. Чамаси тадбирлар ташкилотчилик ишлари билан мустаҳкамланмаётганлиги туфайли бажарилмай қоғозда қолмоқда. Масалан, қишлоқ марказида савлат тўкиб турган ҳашаматли клуб биноси эшигига қулф солинган. Назардан қолган маскан бечораҳол кўринишда. Баҳонани йиғиштириб, лоақал ҳашар йўли билан бинони таъмирлаб, тўгараклар ташкил этиш мумкин бўлгани ҳолда, муҳим ишга ҳамон панжа орасидан қараб келинмоқда. Таъкидлашларича бу ерда "Ёш раққосалар" гуруҳи тузилгану улар қаерда машғулот ўтказишни билишмайди.

Тўда қишлоғига келганимизда марказдаги клуб ҳолатини кўриб янада ҳайратландик. Маданият масканидаги жиҳозлар айқаш-уйқаш ҳолатда, дераза ойналарининг бутуни йўқ. Хоналар зах, чангга ботган, яқин ўртада бу ерга бирон киши қадам ранжида қилмаганлиги шундоққина сезилади. Яқин-яқингача бу ер бадиий ҳаваскорлик тўгараклари фаолият юритган, шахмат-шашка ишқибозлари, бадиий адабиётлар ихлосмандларининг энг севимли масканига айланган эди. Совуққонлик, ўзибўларчилик оқибатида ёшлар маънавиятини юксалтиришга хизмат қиладиган бойликлар касодга учраган.

"Хўжаобод" ширкат хўжалигида савлат тўкиб турган клубнинг аҳволи ҳам юқоридагилардан қолишмайди. Фақат унинг чап томонида фермер хўжалиги ҳисобхонаси, алоқа бўлими ва маҳалла қўмитасининг идораси жойлашган экан. Мутасаддилар Эркин Холиқов раҳбарлигидаги бадиий ансамбл мавжудлигини айтишди. Бироқ ансамбл қатнашчилари қаерда машқ қилишади, деган саволга ҳеч ким жавоб бера олмади. Истеъдодли қишлоқ ёшларининг севимли масканига айланган "Ўзбекистон", "Катта Ўлмас" ва "Тошкент" қишлоқларида жойлашган клублар ҳам ўз фаолиятини тўхтатганлиги ачинарли ҳол.

Норинкапа қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Хошимжон Аббосовнинг айтишича қишлоқ клублари эндиликда туман маданият ва спорт ишлари бўлими ихтиёрида экан. Мазкур бўлим мудири Л. Ҳасановга рўбарў бўлиб клуб ва кутубхоналарга эътибор нима сабабдан бунчалар суст эканлигини билиш мақсадида у билан юзма-юз бўлишга қанчалар ҳаракат қилмайлик мақсадга етолмадик. Мудир қаергадир "муҳим" иш билан кетган экан.

Вилоят марказидан келаётган йўл Норинкапага етганида иккига бўлинади. Уларнинг бири Қоратери, Хожинтол, Кемабоши, Полвонкўл ва бошқа қишлоқларни оралаб ўтади. "Хўжаобод" ширкат хўжалигига келганимизда бир гуруҳ ёшларга дуч келдик.

- Кутубхона ва клубни кўрмоқчи эдик, қаердалигини айтиб бера олмайсизми, - дея юзланамиз уларга.

Ёшлар бир-бирига қарашди.

- Ҳазиллашаяпсизми оқсоқол, бизда бунақа нарсалар йўқ. Мана ҳозир бўш вақтимизни қаерда ўтказишни билмай бекорга гап сотяпмиз. Топганимиз сўлимроқ маскан ҳисобланган катта сув ёқаси. Қанийди ўша сиз айтган клублар, кутубхоналар бўлса-ю мароқли дам олсак, маънавиятимизни юксалтирсак, - дея жавоб берди йигитлардан бири.

Норин туманидан ўйчан кайфиятда қайтар эканмиз бир нарсага иқрор бўлдик: баъзи раҳбару мутахассислар имконият, шароит бўла туриб ҳамон "узрли" сабабларни рўкач қилишдан нарига ўтишмаяпти. Улар нимани кутишяпти. Ахир қишлоқ муаммоларини кимдир четдан келиб ҳал қилиб бермайди-ку?

**О. ЖУМАНАЗАРОВ,**
**"Ишонч" мухбири**

# ЎҚУВЧИЛАР ЁЗИ ТАРАДДУДИ

Ўқувчи-ёшларнинг ёзги таътилларини мароқли ўтказиш мақсадида жойларда тайёргарлик ишлари бошланиб кетди. «Тошшаҳарйўловчитранс» акционерлик компаниясига қарашли болалар оромгоҳларини янги мавсумга барвақт тайёрлаш юзасидан белгиланган тадбирлар ҳам режали асосда амалга оширилмоқда.

Компания бошқарувининг ёзги мавсумни намунали ўтказиш тўғрисидаги буйруғида белгиланган вазифалар амалиётга татбиқ этила бошланди.

Ўқувчилар ёзи давомида «Автомобилчи», «Трамвайчи» ҳамда «Стрельцов» болалар оромгоҳларида транспортчиларнинг кўплаб фарзанди дам олади. Бўстонлиқ туманининг Хандайлиқ қишлоғида жойлашган «Автомобилчи» оромгоҳига эса «Дамас» автомобили бириктирилди.

Тошкент ва Наманган вилоятлари чегарасида бунёд этилган «Стрельцов» оромгоҳи эса мавсум давомида 1800 нафар ўғил-қизни ўз бағрига олади. Бу ерда олиб борилаётган қурилиш ва таъмирлаш ишлари. «Кам-сур» хусусий қурилиш фирмаси томонидан адо этилмоқда.

«Трамвайчи» болалар оромгоҳида янги мавсумга тайёргарлик ишлари май ойининг ўрталаригача тугалланади.

**А.АЛИЕВ**



# САҲНАГА КЎЧГАН ҲАЁТ

Пойтахтимизнинг Чилонзор туман халқ таълими бўлимига қарашли 4-санаторий мактаб-интернати довруғи республикамизга таралган. Бу масканда ўғил-қизлар таълим-тарбия олиш билан бирга саломатликларини ҳам тиклаб борадилар. Соғломлаштириш жараёнида болажонлар учун физиотерапия хоналари, парафин, уқалаш, даволаш гимнастикаси, сузиш ҳавзаси хизмат кўрсатмоқда.

Стоматолог, ортопед шифокорлар келажак авлод вакилларининг ҳам жисмонан, ҳам руҳан соғлом ва бақувват бўлиб вояга етишлари йўлида астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Болажонлар ҳар бир фанни чуқур ўзлаштиришлари, синфдан ташқари машғулотларда иштирок этишлари, математика, инглиз тили, она тили ва адабиёт, тасвирий санъат тўгаракларида шуғулланишлари учун етарли шарт-шароитлар яратилган. Шу боис ўқувчилар фан олимпиадаларида фаол иштирок этиб, фахрли ўринларни қўлга киритмоқдалар.

Куни кеча ушбу масканда ажойиб тадбир бўлиб ўтди. Мамлакатимизда ратификация қилинган «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенцияга бағишланган ушбу тадбир 7-«А» синф ўқувчилари томонидан тайёрланди.

– Бундай тадбирларни ўтказишдан мақсад фарзандларимизнинг ҳар томонлама билимдон, доно, дунёқараши кенг, Ватанга садоқатли инсонлар бўлиб етишишлари йўлидаги саъй-ҳаракатларни янада кучайтиришдир, - деди 4-санаторий мактаб-интернати директори Шоҳидахон Аҳмедова. — Айниқса, Она Ватан, дўстлик, бир-бирларига меҳр-оқибатли бўлиш, ҳурмат, садоқат, ватанпарварлик туйғуларининг улар онгига сингиб бориши келажагимиз эгаларида инсонийлик фазилатларини тарбиялайди.

Ўқувчилар томонидан тайёрланган «Гиёҳвандлик – ёт иллат» номли саҳна кўриниши йиғилганларни чуқур мушоҳадага ундади. Шунингдек, тадбирда «Биз соғлом авлод тарафдоримиз», «Сиҳат-саломатлик йили», «Миллий ватанпарварлик», «Аъло ўқиш шиоримиз» мавзуларидаги кўргазмалар намойиш этилди. Ўқувчилар ўзлари ёзган шеърлардан намуналар ўқиб бердилар.

**М.ЎРМОНБЕКОВА**

*Қаршининг 2700 йиллигига*

***Бу йил халқаро ЮНЕСКО ташкилоти ҳамкорлигида қадимий ва ҳамиша навқирон Насафнинг 2700 йиллиги нишонланади. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 29 сентябрда қабул қилган «Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш тўғрисида»ги қарорига асосан катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.***

# МОЗИЙДАН СЎЙЛАГАН ШАҲАР

Чуқур тарихий илдизлар ва бой ўтмишга эга Қарши жаҳон тамаддунининг илк бешикларидан ҳисобланади. Манбаларда қайд этилишича бу аҳоли масками Грек - Бақтрия подшолиги даври (милоддан аввалги 250-130 йиллар)да ҳам мавжуд бўлган.

Шарқ ва Ғарб мамлакатларига йирик карвон йўли ўтган Қарши қадимда Боло, Нашибоол, Нахшаб, Насаф номлари билан юритилган. XIV асрдан эътиборан Қарши деб атала бошлаган.

Кўплаб тарихий-маданий ёдгорликлар унинг бой ўтмиши ва маданиятидан дарак беради. Тарихчи М.Массоннинг ёзишича, фақатгина XIX-XX асрда 20 дан ортиқ мадрасалар бўлган.

Кўҳна Туроннинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-сиёсий ҳаётида ўз ўрни ва салоҳияти билан ажралиб турган Қаршининг тарихи ҳақида илмий манбаларда кўп бор ёзилган. Шаҳардаги Кўкгумбаз (XIV аср), Хўжа Убайд Жарроҳ масжидлари, Қарши қалъаси девори, Сардобаси, Қашқадарё кўприги, ўзбек ҳаммоми (XVI), Бекмир қозоқ, Қиличбек мадрасалари, Чармгар масжиди мажмуаси (XIX аср) авлод-аждодларимиз меъморчилик намуналари сифатида тарихга кирган.

Археологик топилмалар шаҳарнинг олис ўтмишидан гувоҳлик беради. Зардўштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто»да ҳам Қашқа воҳаси ҳақида маълумотлар берилган. Юнон тарихчилари илк бор Навтака сўзини эрагача бўлган 530 йилларда тилга олишган. Тарихчи Квинт Курций Руф шоҳ Александрнинг ўз қўшини билан Навтакага келгани ҳақида ёзади. Бу манзил Еркўрғон деб аталиб, эрамизга қадар VIII-VII асрларда йирик деҳқончилик манзили сифатида шаклланган. Янги эранинг VII аср охирларига келиб воҳанинг қуйи қисмида Нахшаб шаҳри вужудга келди. Ўрни ҳозирги Шулликтепада бўлган. Кейинчалик Заҳоки Марон қалъаси қурилган.

Тарихий асарларда ёзилишича, Насаф X асрга келиб Турон заминдаги йирик илмий маданий марказ даражасига кўтарилган. Бу даврда ўнлаб етук ҳадисшунослар, даврининг машҳур олимлари етишиб чиққан. Насафда мусулмон оламининг илмий конгресси - «Мажлиси тадрис» ўтказилган. Анжуманга хорижий давлатлардан ҳам иқтидорли олимлар, фиқҳшунослар, алломалар таклиф этилган. Мўғул босқини йилларида Насаф харобага айлантирилгандан сўнг Чингизхон авлодидан Кебикхон янги қалъа қуради ва уни Қарши деб атайди.

Ҳудудда қирқ уч шоир Насафий тахаллуси билан ижод қилган. Шайх Шамсиддин Кулол Қаршидан Маккага пиёда бориб, ҳаж қилиб қайтганлар.

Шаҳарнинг яна бир тараққиёт даври X-XIII асрларга тўғри келади. Буюк жаҳонгир Амир Темур Қаршини ободонлаштириш йўлида жон куйдирган. Бироқ, XVI аср бошларида, 1501-1502 йилларда Шайбонийхон Қаршига ҳужум уюштириб, уни 2 ой камал қилади. Аёвсиз жангу-жадалларда 30 минг киши қириб ташланади.

Табаррук заминда қаҳрамонлиги билан шоҳ Искандарни ҳайратда қолдирган афсонавий Спитамин, араб босқинчиларига қарши мардона курашган Муқанна номи билан тарихга кирган Ҳошим ибн Ҳаким, буюк империяга асос солган улуғ соҳибқирон Амир Темур каби буюк зотлар камол топган.

Абдуллахон ҳукмронлиги даврида ўнгланиш бошланиб, йирик обидалар қад кўтарган. Регистон майдонининг жанубида XVI асрда Абдуллахон II томонидан бунёд этилган Қарши сардобаси аҳолини ичимлик суви билан таъминлаб турган. Пишиқ ғиштлардан қурилган баланд гумбазли об-ҳаёт ҳавзасининг ички диаметри 14 метр бўлиб, гумбази ер юзасидан 7 метргача кўтарилиб турган. Тубига 40 та зина билан тушилган.

Қашқадарё суви оқадиган Файзиобод ариғи орқали об-ҳаёт келган. Ҳозирги кунда сардоба гумбази бузилиб, фақат ер остидаги қисми сақланиб қолган. Умуман, тарихий маълумотларга кўра Қарши чўлида 29 та сардоба ичимлик сув манбаи сифатида хизмат қилган.

Абу Убайд бин Жарроҳ зиёратгоҳи XIV асрда бунёд этилган. Ривоят қилишларича, буюк саркарда бобомиз Амир Темур ўз юришларидан бирида Шом вилоятининг Урдун туманидан (ҳозирги Иорданія) ўтади ва бу ердаги Муҳаммад пайғамбаримиз саҳобаларидан бири Абу Убайд дафн этилган мақбарани зиёрат қилиб, унинг қаровсиз аҳволидан афсусланади. Соҳибқирон улуғ зотнинг қабрини Қаршига кўчириш ва мақбара қуришга фармон беради.

Зиёратгоҳни таъмирлаш Касби туманидаги ихтисослашган «Қурувчи ишлаб чиқариш» ширкати томонидан амалга оширилаяпти. Атрофи ободонлаштирилиб, мавжуд чиллахона, мударрисхона, минора ва ҳовуз қайтадан тикланмоқда.

Шаҳарнинг шимоли-ғарбий қисмида Чармгар масжид мажмуаси жойлашган. Маҳаллий аҳоли орасида Қўрғончи, Хонақо деб юритиладиган бу масжид ва унинг атрофидаги обидалар XIX-XX аср ўзбек меъморчилигининг намуналари сирасига киради. Мажмуа қадимда масжид, дарвозахона, сағана (қабр), ҳовуз ва минорадан иборат бўлган. Қабрда таниқли олим шайх Абдураҳмон Нақшбандий дафн этилган.

Узоқ вақт қаровсизликдан ташландиқ ҳолга келиб қолган мажмуа тиклашга киришилди. Обида таъмирдан чиқарилиб, Жомеъ масжиди мақоми берилди.

Шаҳардаги Бекмир қозоқ мадрасаси 1911 (ҳижрий 1329) йилда Регистоннинг шимолий томонида қаршилик Бекмуродбой томонидан бунёд этилган. Мадраса бухороча усулда кошинсиз, чўзинчоқ, пишиқ ғиштлардан бўйига 24, энига 20,5 метр ҳажмда қурилган. Атрофида 23 та ҳужра бўлиб, дарвозахонадан киришда ўнг ва чап томонларда дарсхоналар жойлашган. Юбилейга тайёргарлик муносабати билан мадрасада ҳам таъмирлаш ишлари олиб борилаяпти.

Қаршининг Эски шаҳар ҳудудидан жой олган Хўжа Абдулазиз мадрасаси қайта сайқал топаяпти. 1909 йилда бой ва саҳоватли маърифатпарвар инсон Хўжа Абдулазиз томонидан қурилган мадрасанинг асл кўриниши имкон қадар сақланиб қолган. 1969 йилда мукаммал таъмирланган.

Ўз даврида диний марказ вазифасини ўтаган ушбу бинода 1975 йилда вилоят ўлкашунослик музейи жойлаштирилган. Айни пайтда мадрасани таъмирлаб асл ҳолига келтириш ишлари билан «Обидаларни илмий таъмирлаш» масъулияти чекланган жамияти усталари шуғулланишаяпти.

Қадимий обидалардан ташқари Қаршининг марказий ва асосий кўчаларини бош лойиҳа асосида кенгайтириш, таъмирлаш ва ободонлаштириш давом эттирилаяпти. Бу ишларга 35-40 миллиард сўм маблағ ажратиш кўзда тутилган.

Юбилейга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни маблағ билан таъминлаш, қурилиш-таъмирлаш ва ободончилик юмушларини марказлашган ҳолда молиялаштириш учун «Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги юбилей жамғармаси» тузилган. Вилоят туманлари, корхоналар, нодавлат ташкилотлари, хусусий тадбиркорларнинг ҳомийлик ёрдами кўрсатиш хусусидаги ташаббуси маъқулланиб, вилоят ҳокимининг фармойиши қабул қилинди.

«Қарши» пул-буюм ютуқли лотореяси чиқарилди. Лоторея чипталарини сотишдан тушган маблағнинг 45 фоизи ютуқлар қийматини тўлашга ажратилиб, олинадиган фойда ижтимоий-иқтисодий дастурларни амалга ошириш, юбилей иншоотлари қурилиши ва шаҳар инфратузилмасини ривожлантиришга сарфланади.

Бетакрор кўринишга эга бўладиган маҳалла маркази қуришга киришилди. Бундан ташқари, Чақар, Қиличбек қўрғонча, Беклар, Кат, Ровоқ маҳаллаларида янги гузарлар қад ростлайди. Рогузар маҳалласида фуқаролар йиғинининг янги биноси, тўй-ҳашамлар ўтказиладиган зал қурилиши қизғин тус олди. Гулшан маҳалласида тадбиркор Ўткир Эркаевнинг шахсий маблағи ҳисобига спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди. Чақар маҳалласидаги миллий ҳунармандчилик-тандирсозлик, бешиксозлик, кулолчилик, новвойчилик, зардўзлик, каштачилик, қандолатчилик шоҳобчалари қаторида тикувчилик ва кичик макарон цехи ишга туширилган. Қарши Давлат университети олимлари билан биргаликда «Қарши шаҳар маҳаллалари тарихи» китоби яратилаяпти.

Юбилей кунларида «Қарши - Ўзбекистон дурдонаси» мавзусида халқ амалий тасвирий санъати усталари ва ҳунармандлар асарларининг савдо кўргазмаси ташкил этилади. «Энг яхши тарихий, илмий мақолалар», «Энг яхши публицистик асарлар», «Энг яхши туркум кўрсатувлар ва радио эшиттиришлар», «Энг яхши мойбўёқ асарлари», «Энг яхши театрлаштирилган байрам тадбири сценарийси» ва «Энг яхши саҳна безаклари эскизи учун» кўрик- танловлари эълон қилинди.

Вилоят ўлкани ўрганиш музейида янгидан очиладиган «Тарих ва этнография» бўлимида қадимги миллий кийимлар, тақинчоқлар, каштачилик буюмлари кўргазмаси уюштирилади. Шаҳардаги тарихий осори атиқаларнинг тасвири туширилган ва барча зарур маълумотлар ифодаланган «Қарши-мозийдан сўзлайди» буклети чиқарилади. Юбилей қатнашчиларига ҳунармандларнинг Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги рамзи туширилган эсдалик совғалари берилади.

Тўйга тайёргарлик давом этмоқда. Шубҳасиз қадимий ва ҳамиша навқирон Насаф диёримизнинг энг обод, кўркам ва гўзал шаҳарларидан бирига айланади.

**И.ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## СИЗ КУТГАН ҚЎЛЛАНМА

Ўзбек тилига давлат мақоми берилгандан сўнг республикамиз халқ хўжалигининг барча соҳаларида шу тилда иш юритила бошланди. «Давлат тилида иш юритиш» деб номланган ўқув адабиётининг чоп этилиши ҳам айни муддао бўлди.

Академик лицейлар ўқувчиларига мўлжалланган бу янги дарслик илғор педагогик технология мақсадларига мувофиқ тарзда юзага келди. Ўқувчиларда нутқ саводхонлигини оширишга, ёзма нутқни расмий-идоравий услуб меъёрлари асосида тўғри шакллантиришга ёрдам берадиган мазкур қўлланмада матн тузиш усуллари, ҳужжат турлари каби масалалар ҳам ўз ифодасини топди. Ана шу таълимий жараёнларга доир амалий машғулотлар ҳам ўқувчиларда қизиқиш уйғотади.

Адабий тил меъёрларига риоя қилинган ҳолда иш юритиш ҳужжатчилик билан яқиндан шуғулланиш кўникмасини ўстиради. «Шарқ» нашриёт-матбаа компанияси томонидан босмага тайёрланган дарслик янги ўзбек алифбосида чоп этилди.

## ЭНГ ЯХШИ ИНШОЛАР ИНТЕРНЕТ САЙТИДА

Мактублар жанрида ўтказилаётган халқаро танлов ўқувчи ёшларда ёзма саводхонликни ошириш, тенгдошлари ўртасида дўстлик алоқаларини кенгайтиришда ўзига хос таълимий аҳамият касб этмоқда. Умумжаҳон почта иттифоқи билан ЮНЕСКО ташкилоти ҳамкорлигида уюштирилаётган бу маҳорат кўригида Ўзбекистон ёшлари ҳам фаол иштирок этишмоқда.

Бу сафарги танлов «Менинг севган эртак қаҳрамонимга мактуб» деган мавзуда ташкил этилди. Мамлакатимиз доирасида ўтказилган бу танловда қатор иқтидорли ўқувчилар ғолибликни қўлга киритишди. Уларни тақдирлаш маросими шу йилнинг 9 октябрида умумжаҳон почта куни байрамида, Данияда ўтказилади. Ғолиб деб топилганлар иншолар «Ўзбекистон почтаси» акциянерлик жамиятининг интернетдаги сайтига жойлаштирилади.

*Мулоҳаза*

***Ёшлар тарбияси мамлакатимиз келажаги билан боғлиқ устивор вазифа. Жисмоний соғлом, руҳий баркамол, маънавий етук йигит-қизлар элу-юрт истиқболини яратади.***

# ЎЗ БОЛАНГИЗНИ

## ўзингиз яхши биласизми

Таълим-тарбия ишларини яхшилаш нафақат мактаблар, академик-лицей ва касб-ҳунар коллежлари, балки кенг жамоатчиликнинг ҳам асосий вазифасидир. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими ва ўқув юртлари жамоалари ота-оналар, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Нуроний», «Маҳалла», «Соғлом авлод учун» жамғармалари билан ҳамкорликда асосий эътиборни ҳар томонлама камол топган билимли, ақлли-ҳушли ва одобли ёшларни тарбиялашга қаратганлар.

Ҳуқуқ тартибот идоралари билан мактаблар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, маҳалла ва овулларда «Сиз ҳуқуқингизни биласизми?», «Огоҳлик - давр талаби», «Гиёҳвандлик - аср вабоси», «Оилада бола тарбияси» каби ҳуқуқий мавзуларда ўтказилаётган суҳбат ва мулоқотлар ижобий самара бераяпти. Шунга қарамасдан, шаҳар ва туманларда вояга етмаганлар ўртасида жиноий хатти-ҳаракатлар камаймаяпти.

Агар ўтган йили ўрта-махсус ўқув юртлари талабалари томонидан 5 та жиноят содир этилган бўлса, жорий йилнинг ўтган ойларида бу кўрсаткич 11 тадан ошди.

Нукус қурилиш касб-ҳунар коллежи талабалари М.Еримбетов ва Т.Бегмуратов 6-механизациялашган кўчма колоннага қарашли иситиш қувурларини олиб чиқиб кетаётган пайтда қўлга тушди. Нукус политехника коллежи 2-курс талабаси А.Нурбоев ўқув муассасаси олдида талаба М.Жақсимуротов билан жанжаллашиб, унга тан жароҳати етказган.

6-касб-ҳунар коллежида ўқийдиган Т.Ниёзов, 30-касб-ҳунар коллежи талабалар Р.Сапарниёзов, З.Жумашев, Н.Бекенов, Д.Жайиқбаев йўлтўсарлик билан шуғулланиб, фуқаро М.Отамуротовнинг кийим-кечакларини ечиб олишган.

Шаҳар оқшомлари тинч ва осойишта бўлади. Аммо тун оромини бузишни одат қилиб олган бир гуруҳ безорилар уйига кетаётган И.Нуратдиновни қўрқитиб, курткаси ва қўл телефонини олиб қочишди. Воқеа ички ишлар ходимлари томонидан ўрганилганда жиноятни муқаддам судланган Ж.Шамуратов, А.Нуримбетов, С.Сейтмуратовлар Нукус иқтисод касб-ҳунар коллежи ўқувчиси К.Абдираимов билан тил бириктириб содир этганликлари аниқланди.

Амударё туманидаги «Дўрмон» касб-ҳунар коллежида ўқиётган Ж.Бегжанов ноқонуний ҳолатда Туркманистон чегарасига ўтаётган пайтда тўхтатилди. Нукус шаҳридаги қурилиш, политехника ва иқтисод коллежлари талабаларидан уч нафари безорилик ва ўғрилик билан шуғулланиб келаётгани фош этилди.

Таҳлиллар шуни кўрсатиб турибдики, айрим таълим муассасаларида талабалар машғулотларда тўлиқ қатнашаяптими, йўқми, бўш вақтида нима иш билан машғуллиги суриштирилмайди. Масалан, жиноят содир этган А.Нурбоев ўқув юртига маст ҳолатда келган бўлса, М.Жақсимуротов ўқиётган политехника коллежида амалий машғулот ўтказилмасдан ўқувчилар бекор қолишган.

Халқимизда «Саёқ юрган таёқ ер» деган нақл бор. Мутасадди ташкилотлар ва муассасалар раҳбарлари ўқув машғулотларининг боришини қатъий назоратга олганларида эҳтимол юқоридагидек воқеалар содир бўлмасмиди?

**ЁЛҚИН**





Дўстлик туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактабида жисмоний тарбия ва спортга алоҳида эътибор қаратилган. Ёпиқ спорт зали таъмирланиб, жиҳозланди. Спортнинг 4 та тури бўйича тўгараклар ташкил этилган. Уларда 110 нафар бола шуғулланади. Йилдан йилга турнир чемпионлари етишиб чиқмоқда. 8-синф ўқувчилари Мақсуд Каримов ва Камол Отабоевлар каратэ бўйича республика очиқ турнирида қатнашиб, кумуш медал соҳиби бўлдилар.

**Б.НОРҚУЛОВ**
**олган суратлар**

## СУВ ОСТИ ХАЗИНАСИ

Испаниялик хазина изловчи Мел Фишер йигирма олти йил муқаддам ўз командасидаги ғаввослар билан Испаниянинг XVII асрда чўкиб кетган «Аточа» кемасини топган ва ундаги қимматбаҳо буюмларни денгиз қаъридан олиб чиққан эди. Орадан бир йилча ўтиб, у ўша испан флотилиясидан яна бир кемани топганини эълон қилди.

Фишер Ки-Уэст шаҳридан (Флорида ярим оролининг жануби-ғарбида) 40 мил ғарброқда денгиз тубидан ҳар бирининг қиймати 50 минг долларлик учта ёмби олиб чиқди. Бу хазина испан флотининг бош кемаси, 1622 йилдаги бўронда чўкиб кетган «Санта-Маргарита» бортида сақланган бўлса керак.

Бундан ташқари, ғаввослар 1523 ва 1621 йилларда зарб қилинган кумуш тангалар ва нил бўёғини ҳам топишди. Архив материалларида нил бўёғи фақат «Санта-Маргарита» ва «Аточа» кемаларига юклангани кўрсатилган. Яна шуниси қизиқки, кемадан ғаввосларнинг мис қўнғироғи ҳам топилган.

**Н.СОЛИҲОВА**

*Бу оламнинг ишлари*

# АЛДАНИБ ҚОЛМАНГ, ФИРИБГАР!

***Юрган дарё, ўтирган бўйра дейишади. Одамлар орасида бўлсангиз қизиқ-қизиқ воқеа-ҳодисаларни, янгиликларни эшитасиз. Тошкентдан хизмат сафаридан қайтишимда бир гал Қурбон оғанинг машинасида келдим. Анча йиллардан буён такси ҳайдаётган Қурбон оға қўли рулда, кўзи йўлда бўлсаям сўзамолгина киши экан. У мавзуни бошлаб берди:***

— Бепоён ва тубсиз океан тагида юввошгина ҳалол луқмалардан ташқари турли хил йиртқичлар, махлуқлар ҳам яшаётгани сингари бу ёруғ оламда ҳам инсофу диёнатга, ҳалоллигу, покликка сажда қўйганлар қатори ўғри-ю фирибгарлар ҳам учраб туради.

— Қани, қани эшитайлик, - деди орқада ўтирган ҳамроҳларимдан бири.

— Кеча Урганчдан йўлга чиққанимда йўловчилар орасида 35-40 ёшлар орасида исмини Сафарбой деб атаган бир йигит ҳам бор эди. Тошкентга етиб келгунча у ўзини ичакузди латифалари билан барчани кулдириб келди. Ҳаммамизнинг унга меҳримиз ортган-ди. Манзилга етиб келгач ундан бошқа ҳамма кира ҳақини тўлаб тушиб кетди. Сафарбой эса Жанубий вокзал яқинидаги уйига олиб боришимни, кира ҳақига минг сўм қўшиб тўлашини, ҳозир ёнида пули йўқлигини айтди. Йўқ деёлмадим. У кўп қаватли уйлардан бирининг олдида машинадан тушди. Беш дақиқада пул олиб чиқишини айтиб кириб кетди. Орадан ярим соат вақт ўтди ҳамки, ундан дарак бўлмагач, шубҳалана бошладим. У кириб кетган эшикдан бир қадам ичкарига ўтдиму барчаси аён бўлди. Уйнинг нариги томонида ҳам кириб-чиқиш эшиги бор экан. Шундан кейингина уни қўй терисидаги бўри эканини англадим.

Ҳайдовчининг гапини маъқуллаб, ҳамроҳларимдан бири ҳам шунга монанд воқеалардан сўзлаб берди.

— Қишлоғимиздаги бир йигит Россияга бориб икки йил ишлаб келгач, соддадил ёшларни Санкт-Петербургга олиб кетаман, у ерда бир фирма билан гаплашиб келдим. - деб илондек авраб, ҳар биридан кира ҳақига 500 минг сўм олиб, жуфтакни ростлаб қолди. Кекса онаси ўғлини қарғашдан бошқага ярамади. Урганчлик бир киши эса беш йигитни олиб кетиб, аллакимга сотиб юборган. Паспортлари хўжайиннинг қўлига ўтган бечоралар бир йил бекорга ишлаганлар. Элчихона кўмагида ҳалиги йигитлар зўрға уйига қайтиб келганди.

— Ғоят эҳтиёткорлик, хушёрлик зарур экан, - деб гап бошлади яна бир йўловчи. - Кеча Тошкентга етиб келгач, такси бекатига бориб турдим. Ушоққина гавдали, оқ юзли бир йигит ёнимга келиб нималарнидир сўрай бошлади. Кейин:

— Ие, Хоразмданмисиз? - деди кўпдан учратмаган тоғасини кўриб қолгандек қувонч билан.

— Ҳавво, - дедим. - Қайси жойдан.

— Янгибозор туман марказидан.

— Мен ҳам шу ердан, Боғолон қишлоғиданман. Сотим Бердининг ўғлиман, эшитганмисиз.

— Ҳа, у кишини вилоятда ҳамма танийди. Донгдор бригадир бўлган, - дедим.

— Қаерга боряпсиз, қаерда ишлайсиз?

Мен ишхонамни айтиб, ҳозир меҳмонхонага жойлашмоқчи эканлигимни айтдим.

— Йўғ-эй, земляк эканмиз, юринг, бизникида турасиз. Мана ўн йилдан буён Тошкентда яшаяпман. Фарзанду неваралар анчагина. Уйим ҳам, кўнглим ҳам кенг.

— Қандоқ бўларкан? - Мен иккиланиб қолдим.

— Жуда яхши бўлади, - деди у ва бетўхтов ўтиб турган шахсий «Тико»лардан бирини тўхтатди. «Алгоритм» мавзесидаги бозор олдида машинадан тушдик. Мен бозордан у-бу харид қилдим. Кейин ҳалиги йигит қўл телефонида ким биландир гаплашиб, ошга қараб юборишини, иззатли меҳмон бошлаб бораётганини айтгач, кейин таажжубга тушган ҳолда «ким, қачон», - деб сўради-да, ҳозир тўлаб қўяман, столни безаб қўй, - дея менга юзланди: «Квартплатани сўраб чиқишибди. Ёнимдаги долларни майдалаб қарзни тўлаб чиқаман» деди ва менга кутиб туришни таъкидлаб одамлар орасига сингиб кетди. Кейин бирданига пайдо бўлди.

— Долларга майда топилмаяпти. 30 минг сўм бериб туринг. Уйга чиққач бераман, - деди.

Чўнтагимдан охирги пулларимгача санаб, нотаниш йигитнинг қўлига тутқаздим. Шунда ўйлаб қолдим. «Сен буни танимасанг, уйини билмасанг, қайтариб ол пулингни». Дарҳол нотаниш йигитнинг пул тутган қўлини маҳкам ушладим:

— Пулни қайтар, жўра, олдин уйингга чиқайлик. Сўнгра бир гап бўлар.

— Ҳей ака, миллионни айлантириб юрган одамман мен. Сиз бир чой-чақангизни ишонмаяпсиз. Майли, уйга чиқайлик. Болалар тўлаб келар.

Унинг сўзларини эшитиб, беихтиёр уялиб кетдим. Хижолатпазликдан қутилиш учун уй олдидаги дўконга кириб кетдим. Чиқсам, мен бозордан харид қилган харажатлар солинган сумка йўқ. Нотаниш йигит ҳам ғойиб бўлган эди.

Машина йўл танобини тортиб борар, гурунг қизигандан қизирди.

**Эркин ЭРМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

ЎзКУФК Курортлар бошқармаси «Косонсой санаторийси» МЧЖ директори Н.Мўйдиновга акаси **Мухторхон МЎЙДИНОВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78;
Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.30

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 15163 Буюртма Г— 314